АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Гуламова Мавжуда Тошпўлатовна
Кимё фанлари номзоди, доцент,
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон
mavjudagulamova54@gmail.com

Аннотатция: Мақолада Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг маънавий мероси ўрганилган. Нақшбандия-холдия-кумушхонавия тариқатининг асосчиси Кумушхонавийдан (1813 – 1893 й) турли хил мавзуларда араб тилида 60 га яқин қимматли ва улуғ асарлар қолган. Кумушхонавий илмий фаолияти давомида ҳадис ва фиқҳга оид 30 та, ахлоқ ва тасаввуфга оид 15 та, тафсирга оид 8 та китоб ва бошқа турли асарлар ёзган. Кумушхонавий ҳаёти ва ижодининг энг ишонарли ва объектив манбалари бўлган "Жомиул-мутун", "Жомиул-усул фил авлиё ва анвоихим", "Ромузул-аҳодис" ва "Катта дуолар ва зикр" китобларининг қисқача маъноси келтирилган.

Калит сўзлар: Нақшбандия, тариқат, тасаввуф, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Мотуридия, эътиқод, дуо, амал.

ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ АХМАДА ЗИЯУДДИНА АЛ-КУМУШХАНАВИ

Гуламова Мавжуда Тошпулатовна
кандидат химических наук, доцент,
Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан
mavjudagulamova54@gmail.com
тел: +998914126248

Аннотация: В статье исследуется духовное наследие Ахмада Зияуддина ал-Кумушханави. Кумушханави (1813-1893), основатель учения Накшбанди-Халди-Кумушханавия, оставил около 60 ценных и больших работ на арабском языке на различные темы. Кумушханави написал 30 книг по хадисам и юриспруденции, 15 книг по этике и тасаввуфу, 8 книг по тафсиру и различные другие работы за свою научную деятельность. Представлено краткое содержание книг «Джамиул-мутун», «Джамиул-усул фил авлия ва анвоихим», «Ромузул-аходис» и «Большие молитвы и зикр», которые являются наиболее достоверными и объективными источниками жизнедеятельности и творчества Кумушханави.

Ключевые слова: Накшбандия, тарикат, суфизм, Священный Коран, хадис Шариф, мотуридия, вера, молитва, практика.

Ключевые слова: Накшбандия, тарикат, суфизм, Священный Коран, Хадис Шариф, Мотуридия, вера, молитва, практика.

SPIRITUAL HERITAGE OF AHMAD ZIAUDDIN AL-KUMUSHKHANAVI

Gulamova Mavjuda Toshpulatovna
Candidate of Chemical Sciences, Associate Professor,
Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan
mavjudagulamova54@gmail.com
phone: +998914126248

Annotation: The article explores the spiritual heritage of Ahmad Ziyauddin al-Kumushkhanavi. Kumushkhanavi (1813-1893), the founder of the Nakshbandi-Khaldi-Kumushkhanavia doctrine, left about 60 valuable and large works in Arabic on various topics. Kumushhanavi wrote 30 books on hadith and jurisprudence, 15 books on ethics and tasawwuf, 8 books on tafsir and various other works for his scholarly activities. A summary of the books "Jamiul-mutun", "Jamiul-usul fil avliya va anvoihim", "Romuzul-ahodis" and "Big prayers and dhikr", which are the most reliable and objective sources of life and creativity of Kumushkhanavi, is presented.

Key words: Naqshbandiyyah, Tariqat, Sufism, Holy Qur'an, Hadith Sharif, Moturidiya, faith, prayer, practice.

Инсониятнинг маърифий тараққиётда жуда катта аҳамиятга эга мезонлари олимлари яратган китоблардир.

XIX асрга келиб Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ўрта Осиёда бутун мусулмон дунёсининг қатор қомусий алломалари, илоҳиёт назариётчилари, машҳур адиб ва шоирлари етишиб чиқган. Улар ўзларининг кашфиётлари яратган асарлари билан дунё илм фани ривожига улкан ҳисса қўшган[64].

Ана шундай миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш бизнинг бурчимиздир.

[64] Gulamova M.T. Idei Axmada Ziyouddina al-Kumushxonaviy o znanii [The ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanaviy about knowledge] // Universum: Obshestvenniye nauki: elektron. nauchn. jurn. 2020. № 3 (63). – Pp.7. URL: http://7universum.com/ ru/social/archive/item/9169 (Ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhonavi about knowledge)

Бухоройи шарифда Баҳоуддин Нақшбанд[65] томонидан асосланган, ислом олами миқёсида шуҳрат қозонган, асарлари бутун дунёда машҳур бўлган, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга асосланган Нақшбандия тариқати, жаҳон илм-фани, маданияти, тараққиётига, ривожига маънавий мерос бўлиб хизмат қилмоқда[66].

Нақшбандия тасаввуфий таълимотини дунё бўйлаб кириб боришига сабабчи бўлган “Силсилаи шариф” “Олтин занжир”да 32 - ҳалқанинг пири муршиди Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий (1813 – 1893 й)[67] асарларининг кўп қирралиги яъне ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида 60 га яқин қимматли ва улуғ асарлар битган табаррук инсон ҳисобланади[68].

Ана шу буюк тасаввуфий нақшбандия тариқатини умуминсоний қадрият сифатида ўргансак бўлади.

Тадқиқотимиз натижасида аниқладикки Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг шахсий кутубхоналарида 18 жилд асар бўлган. Бу асарларнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари Туркия, Миср, Европадаги катта кутубхоналар фондларида, шу қатори Республикамиз Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида ҳам сақлаган [69] . Кумушхонавий илмий фаолияти давомида ҳадис ва фиқҳга оид 30 та, ахлоқ ва тасаввуфга оид 15 та, тафсирга оид 8 та китоб ва бошқа турли асарлар ёзган[70].

Кумушхонавийнинг қуйида айрим асарларининг номини келтирамиз:

1. "Мажмуатул-аҳзоб". Уч жилдлик дуо китоби. Ҳошиясида алоҳида дуо ва махсус изоҳ мавжуд.

2. "Жомиул-мутун". Асосан ақоидга доир ва аҳли суннат вал-жамоат мазҳабининг аҳамияти ва куфр лафзлар хақида маълумот берган. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатларини ҳам кенг баён этган. Мукаммал бир ақоид китобдир.

3. “Жомиул-усул фил авлиё ва анвоихим”. Бу китобнинг хошиясида суфийларнинг истилоҳоти ва бошқа фойдалари баён этилтан. Тасаввуфга оид мўътабар манбадир.

4. "Ромузул-аҳодис ала тартиби хуруфул ҳожа". Бу китоб фихрист

---

[65] Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси// –Тошкент: “Фан”, 2021. – 7 б.

[66] Gulamova M.T. 2020. Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning Moturidiy ta’limoti to‘g‘risidagi sharhlari.[Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi's commentary on the Moturidi doctrine] // Falsafa va hayot xalqaro jurnal. № 1. Maxsus soni – Pp. 285.

[67] Гуламова М.Т. Кумушхонавийнинг валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги ғоялари // Ислом тафаккури. – Тошкент: 2021. 3-сон. -43 б.

[68] Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2020. - № 2. -29 б.

[69] Gulamova M.T. 2020. Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning
Moturidiy ta’limoti to‘g‘risidagi sharhlari.[Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi's commentary on the Moturidi doctrine] // Falsafa va hayot xalqaro jurnal. № 1. Maxsus soni – Pp. 285.

[70] Rukiyl AY. Doğdu Demir. Ahmed Z1yâedd1n Gümüşhânevî. 2. Baskl, Ankara Temmuz 2019 pP 45-62

усулида ёзилтан, ҳадислар алифбо тартибида берилган.

5. "Лавомиул-уқул". Беш жилд. "Ромузу-аҳодис..."нинг шарҳ.

6. "Ғарибул-аҳодис"‧Ибратомуз ва хусусан, тафаккурга чорловчи хадиси шарифлар мажмуасидир.

7. "Ҳадиси арбаийн". Қирқ хадиси шариф. Тошбосма ва кулёзма нусхалари бор.

8. "Нажотул ғофилийн". Бу китоб ғафлатга кетганлар учун огоҳномадир.

9. "Руҳул орифийн ва иршоду толибийн". Тасаввуфий асар бўлиб, қалбнинг жилосига ва руҳнинг покланишига ёрдам беради.

10. "Жомиул маносик ала ахсанил-масолик". Ҳажга оид масалаларни баён этувчи китоб.

11. "Натойижул-ихлос фи ҳаққид дуо". Ихлос билан қилинадиган дуолар китоби.

12. “Зубдатул-ақоид ва нуҳбатул-фавоид”. Ақиданинг моҳиятини тушунтирувчи асар.

13. “Усулу туруқул олия”. Тариқатлар ҳақида батафсил маълумот берувчи китоб.

14. “Ажоибун-нубувва ва дақоиқул-валоя”. Нубувватнинг ажиб жиҳатларини ва валийликнинг нозикликларини баён этувчи асар.

15. “Маносикул –Ҳаж”. Ҳажга оид яна бир китоб.

16. “Риҳватул-орифийн”

17. “Мустағниш-шуруҳ минат-тасриф”. Бу китоб сарф грамматикага оиддир.

18. “Китабул обир фи ансор вал муҳожир”. Ансор ва муҳожирларнинг фазилатларига доир асар.

19. “Латоифул- ҳикам” . Ҳикматли латифалардан баҳс юритувчи асар.

20. “Рисола фит-тасаввуф”. Тасаввуфга доир асар.

21. “Асрорур-торик”. “Йўлларнинг сирлари” номли бу китоб жуда қизиқарлидир.

22. “Лавомиул фусул”. Фаслларнинг товланишини эслатувчи ва баён этувчи асар.

23. “Милҳақоту ғароибул -аҳодис”. Ғариб ҳадисларга доир китоб.

24. “Мутаммиму Жомиъил усул”. “Жомиъил усул” китобини якунловчи китоб.

25. “Даъвул муслимийн”. Ваъзга доир китоб.

Дарҳиқат инсонни унуттирмайдиган, асрлар давомида тилдан тилга, кўнгилдан кўнгилга ўтказувчи нарса қолдирган асарларидир.

Комил улдир қўйгай ерда бир асар,

Асари йукнинг ерида еллар эсар.

Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий ҳаёти ва ижодининг энг ишонарли ва объектив манбалари бўлган айрим асарлари тўғрисида қуйида маълумот келтирдик:

1. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Ҳидоят йўлининг имоми” ва “Мутакаллимлар имоми” мартабасига муяссар бўлган, Самарқанд калом илмини яратган машҳур аллома Абу Мансур Мотуридий таълимотини ўрганиб, уларни чуқур англаб моҳиятини изоҳлаш мақсадида шарҳлар ёзган.

Мустақиллик берган улуғ неъматлардан бири жуда кўп исломий манбаларнинг ўзбек тилида таржима қилиниб, нашр этилишидир. Ана шулардан бири Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” номи билан наш этилган асаридир. “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис-сифатил илоҳиййа вал-ъақоидил Мотуридия ва алфозил куфри ва тасҳиҳил–аъмолил-ъажибиййа”– “Аллоҳ таолонинг анвойи исм-сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами” асарини Мирзо Кенжабек ўзбек тилига ўгириб, 2000 йил Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётидан чоп этган. Бу асарнинг бошқа тилларда ҳам нашрлари мавжуд.

Ушбу асар жаҳондаги жуда мўътабар манбалардан бўлиб, халқимиз тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Асар Мотуридия эътиқоди асосида ёзилган бўлиб, унда Имом Аъзам ва Имом Мотуридий асарларидан то XVIII асрга қадар эътиқод ҳақида ёзилган китоблардан матнлар олинган. Китобда Аҳли суннат ва-л-жамоат ақоидига асос бўлган Мотуридия эътиқоди, яъни соғлом эътиқод тамойиллари ҳамда бузуқ ақидалик оқимларнинг ҳоллари матн ва шарҳлар асосида батафсил баён этилган[71],[72].

Мотуридия эътиқод таълимини ўз ичига олган Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг ушбу асарини, бизнинг фикримизча, қайта–қайта ўқиган ва моҳиятини англаган киши икки дунё саодатига эришади. Айниқса, эътиқодда адашиб турли нотўғри оқимларга кириб бораётган инсонлар учун жуда зарур деб биламиз.

2. “Жомиъул - усул Фий - л - авлиёи ва анвоиҳим”. Асар номи четига: “Ас - суфийяту ва фавоиди соир” деб қайд этилган. Ҳозир турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Жомиъул-усул асарида Кумушхонавий ўзи яшаган даврнинг тасаввуфий тушунчалари ва тариқатлари ҳақида батафсил ва қимматли маълумотларни келтирган. Айниқса, Нақшбандия тариқати ва бошқа тариқатларда сайр-у сулукнинг усули ва одоблари ҳақида муҳим маълумотларни берган. Кумушхонавий бу асарни яратишда деярли барча

[71] Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннаҳр; 2000 й.313 б.

[72] Гуламова М.Т. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “жомиъ ул-мутун” асари тўғрисида//. Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар. Андижон 2022/3 (63) -11 б.

тариқатларнинг энг қадимги ва ишончли манбаларидан фойдаланган ва бу манбаларни номлари билан атаган. Умумий қилиб айтилганда: "...бу асар тасаввуфий терминология, назарий билимлар, давлат ва мақомларда тартиб, амалий ва имкон доирасида келтирилган[73].

3. Кумушхонавийнинг кўпгина асарлари қатори Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг "Ромузул-аҳодис" – "Ҳадислар денгизи" асари Баҳриддин Умрзоқ томонидан таржима қилиниб, 2007 йил Тошкент, Мавароуннаҳр нашриётидан чоп этилган.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг икки марта ҳаж сафарида бўлганида, уч йилдан ортиқ Носирия ва Жомиъ ул-Азҳар дорилфунинида қолиб, ўз таснифлари бўлган "Ромузул аҳодис" –"Ҳадислар денгизи" китобидан талабаларга сабоқ бериб, бу асарни етти марта ўқитиб, юзлаб араб олимларини шайхлик даражасига етказиб, илм йўлига ижозат берган.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий "Ромузул-аҳодис" – "Ҳадислар денгизи" китобини талабалари ва яқин дўстларининг илтимоси билан ёзган.

Китобда инсонларнинг фойдси, манфаати учун қисқа, ёдлаш осон, тушуниб амал қилинадиган ҳадислар жуда кўп ҳадис китоблардан саралаб олинганини муаллиф китобнинг муқаддимасида келтирган.

Одилжон ибни Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий "Ромузул- аҳодис" китобига ёзган тақризида китобга қуйидагича баҳо бераган: " У Аллоҳга ҳамду сано сўзларидан кейин: китоб, "Ромузул-аҳодис"-дейди, "Қутуб-и тисъа"нинг, қолаверса, бошқа барча ҳадис китобларининг мағзи, қаймоғи, деб таърифланса, асло муболаға бўлмайди"[74].

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапирган, йўл- йўриқ ва тавсия кўрсатмаларига сидқидилдан ихлос билан амал қилганлар Машҳар куни Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг улуғ шафоатларига, албатта, биринчилардан бўлиб ноил бўлурлар[75].

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг "Ромузул- аҳодис" асарларида пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларини ўрганиб унга амал қиладиганлар учун яна бир чиройли муборак ҳадиси шариф келтирилган.

Абу Абдураҳмон ас –Сулламийдан: "Мен Абу Усмон Саъид ибн Жаъфардан эшитдим. У "Мен Зуннуни Мисрийдан қуйидагиларни эшитдим",

[73]Ahmed Zivaüddin Gümüşhanevi Vel1ler ve Tar1·katlardo UsOI'u bizgi - Baskı : GÜL Matbçıası Gazisinan Paşa. Sokağı, No istanbul - 1977

[74] Зиёуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий "Ромузул - аҳодис" – Ҳадислар денгизи, таржимон Баҳриддин Умрзоқ // -Тошкент: "Нур сеҳри ошиёни" МЧЖ компютер маркази, 2007.-Б.4

[75] Зиёуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий "Ромузул - аҳодис" – Ҳадислар денгизи, таржимон Баҳриддин Умрзоқ. - Т.: "Нур сеҳри ошиёни" МЧЖ компютер маркази. 2007 –Б. 4.

деди: "Аллоҳнинг Ҳабиби (Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хулқларига, феълларига, ул зотнинг тавсияларига ва (муборак) суннатларига мутобаат қилишлик Аллоҳга маҳбуб бўлганлик аломатларидандир"[76]

4. Кумушхонавийнинг бебаҳо қимматли китобларидан бири "Катта дуолар ва зикр" китоби ўзбек тилида бир гуруҳ таржимон олимларимиз: Абдумурод Тилавов, Сумайро Холмуродова ва Мубина Холмуродовалар томонидан таржима қилиб нашрга тайёрланган ва 2014 йил Тошкент шаҳар "Шарқ" нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти босмахонасида чоп этилган. Бу китобда Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг "Мажмуатул –аҳзоб" номли икки минг саҳифалик дуо китобидан энг зарурий дуо саралаб олинган[77].

Китобда тақдимот, йигирма саккиз бўлим, иловалар, Имом Шаронийнинг "Ибодат ва зикр аҳлига тавсиялар"и ва Алишер Навоийнин "Муножот"и келтирилган.

Тақдимот қисмида Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг файз ҳалқаси мавзусида "олтин занжир"да пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ҳазратгача бўлган пиру-устозларни номлари, у кишидан саккиз хос дуо ва Ҳазрат Одам Атонинг уч дуоси келтирилган.

Тақдимот қисмида дуога қуйидагича таъриф берган: "Дуо-моддий ва маънавий жиҳатдан Аллоҳу Зулжалолдан паноҳ сўраш ва У зотга ёлворишдир"[78], деб ёзилган.

Қуръони Каримнинг "Фурқон" сурасини 77-оятида: "Агар дуоларингиз бўлмаганда Парвардигорингиз сизларга парво қилмас эди". Бу билан Аллоҳ даргоҳида дуогўйнинг даражаси баландлиги кўрсатилган.

Шайхнинг дуоларидан бири: "Йа муқоллибал қулуб, саббит дийника ва тоатика. (Маъноси: Эй қалбларни бургувчи, қалбимни дининг ва тоатинг узра собит айла)" [79] . Бу дуо билан инсоннинг иймони мустаҳкам, тақводор бўлишини билиш мумкин. Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда: **"Мўминнинг қалби Раҳмоннинг ҳукмидадир. Уни хоҳлаган томонга ўгиради"**, – деб марҳамат қилган[80].

Биринчи бўлимга: дуонинг қабулига оид сабаблар, вақтларнинг дуога таъсири, қийматли маконларнинг дуо қабулига сабаб бўлиши, дуонинг хусусияти жиҳатидан қабул бўлишига сабаблар келтирилган.

---

[76] Ўша асар. –Б.5.
[77] Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий Катта дуо ва зикр// Тошкент Шарқ, 2014.-Б.1
[78] Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий Катта дуо ва зикр// Тошкент Шарқ, 2014.-Б. 3
[79] Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий Катта дуо ва зикр// Тошкент Шарқ, 2014.-Б.10
[80] Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам энг кўп ўқиган 2 дуо. https://islom.uz› maqola

Ҳазрати Али (р.а.) бир кишига бундай деди: Расулуллоҳ менга ўргатган дуони сенга ўргатайми? “Аллоҳуммаакфиний би ҳалалика ъан ҳаромика ва ағниний би фазлика ъамман сивака”. Маъноси: “Аллоҳим, ҳалолинг билан мени қондир, ҳаромингдан мени узоқлаштир. Фазлинг ила мени бой қил ва Ўзингдан ўзгага мени муҳтож этмагин”[81]. Бу билан инсонларни Аллоҳдан фақат ҳолол нарсаларни сўраш, ҳаромдан ҳазар қилишга чақирилади.Чунки ҳалолда барака бўлади, ҳаромда эса барака бўлмайди.

Иккинчи бўлимга: Қуръони Каримдан дуо оятлари, Маслан: “Анбиё” сураси 89-оятда “Эй Роббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт!) Сен Ўзинг ворисларнинг яхшироғидирсан”[82]. Бу билан ёлғизлик фақат Аллоҳга хослиги, инсоннинг ёлғиз яшай олмаслиги, ҳамма вақт дўст-ёрларга муҳтожлиги уқтирилган.

Кумушхонавийнинг ҳамма асарлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Қилинган ишлар юзасидан қуйидагича хулоса келдик:

1. Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавийдан бой маънавий мерос сақланган
2. Бу асарларнинг бир қисми ўзбек тилига ўгирилган бўлсада, кўпчилиги илмий жамоатчиликга маълум эмас.
3. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий таълимотини ўрганиш ислом тарихини ёритишда ёрдам беради.
4. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг маънавий мероси Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёшларни баркомил инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Gulamova M.T. Idei Axmada Ziyouddina al-Kumushxonaviy o znanii [The ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanaviy about knowledge] // Universum: Obshestvenniye nauki: elektron. nauchn. jurn. 2020. № 3 (63). – Pp.7-9 URL: http://7universum.com/ ru/social/archive/item/9169 (Ideas of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhonavi about knowledge)
2. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси// –Тошкент: “Фан”, 2021. – 244 б.
3. Gulamova M.T. 2020. Ahmad Ziyouddin al-Kumushxonaviyning Moturidiy ta’limoti to‘g‘risidagi sharhlari.[Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi's commentary on the Moturidi doctrine] // Falsafa va hayot xalqaro jurnal. № 1. Maxsus soni – Pp. 284-292.

[81] Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий Катта дуо ва зикр// Тошкент Шарқ, 2014.-Б.25
[82] Ўша китоб –Б.29

4. Гуламова М.Т. Кумушхонавийнинг валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги ғоялари // Ислом тафаккури. – Тошкент: 2021. 3-сон. 43-46 б.

5. Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннаҳр; 2000 й.313 б.

6. Гуламова М.Т. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “жомиъ ул-мутун” асари тўғрисида//. Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар. Андижон **2022/3 (63)** 11-17 б.

7. Rukiyl AY. Doğdu Demir. Ahmed Z1yâedd1n Gümüşhânevî. 2. Baskl, Ankara Temmuz 2019 pP 45-62

8. Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннаҳр; 2000 й.313 б.

9. Гуламова М.Т. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “жомиъ ул-мутун” асари тўғрисида//. Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар. Андижон 2022/3 (63) -11 б.

10. Ahmed Zivaüddin Gümüşhanevi Vel1ler ve Tar1·katlardo UsOI'u bizgi - Baskı : GÜL Matbçıası Gazisinan Paşa. Sokağı, No istanbul – 1977

11. Зиёуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий “Ромузул - аҳодис” – Ҳадислар денгизи, таржимон Баҳриддин Умрзоқ // -Тошкент: “Нур сеҳри ошиёни” МЧЖ компютер маркази, 2007.-Б.608

12. Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий Катта дуо ва зикр// Тошкент Шарқ, 2014.-Б. 592

13. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам энг кўп ўқиган 2 дуо https://islom.uz › maqola